

**ОРОЛ ЭКОЛОГИК МУАММОСИНИНГ ИЖТИМОЙ—ФАЛСАФИЙ
ТАХЛИЛИ****Хидиров Немат Чоршанбиевич.¹**¹ Самарқанд Давлат тиббиёт Университети Умумий
гигиена кафедраси ассистенти**Мустафоев Зафаржон Мустафо ўғли²**² Самарқанд Давлат тиббиёт Университети
Анатомия кафедраси PhD, в.в.б доценти**МАҚОЛА
МА'LUMOTI****АБСТРАКТ:****МАҚОЛА ТАРИХИ:***Received:07.10.2024**Revised: 08.10.2024**Accepted:09.10.2024***КАЛИТ СЎЗЛАР:***орол,экология,денги
з, сув ресурс.*

Орол муаммоси аллақачон минтакавий муаммодан –глобал муаммога айланди. Марказий Осиё халқлари ҳаёти, унинг келажаги ва таррақиётига жиддий хавф солиб турган Орол фожиаси эса экологик муаммоларнинг энг йириги ва дахшатлисидир. «Халқларимизнинг энг оғир, азобли дарди –Орол фожиасидир. Бу муаммо ўзбеклару қозоқлар ҳаёти ва тақдирига бевосита алоқадорлигидан ташқари, оламшумул аҳамият касб этмокда.

«Орол инкирози-инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фалокатлардан бири.»

И.А.Каримов.**КИРИШ.**

Орол бўйи, унинг бойликлари, Сирдарё ва Амударё саховати билан инсонларга ҳадя этган инъомлари илгари собиқ Иттифоқники бўлгани барчангизга яхши маълум. Афсуслар бўлсинки, оролбўйининг неъматларини барча «Ягона совет халқи» билан бахам кўрган бўлсак, унинг «Аччиқ мева»си- Орол ва Оролбўйи фожиаси, бу ҳалокатнинг экологик оқибатлари, ҳалокатдан қутулиш йўлларини кидириш –ёлғиз ўзимизнинг, Марказий Осиё халқларининг иши бўлиб қолди» - деган эди. Орол денгизи саёрамиздаги энг қадимги ёпиқ сув хавзаларидан бири ва у яқиндагина йириклиги жихатидан дунёда туртинчи уринни эгаллаб турган бой табиий захиралари билан машхур эди. Орол бўйи минтақаси эса биологик бой

табiiй мухит ҳисобланарди. 1960 йилгача Орол денгизи майдони 68,9 минг кв.км га тенг бўлиб, сув ҳажми 1038 куб км.ни ташкил этарди. Орол ва Орол бўйи сув ҳавзаларида 38 турдаги балиқ тури бўлиб, йилига 30 минг тоннагача балиқ овланган. Бугун унинг ҳажми 13 майдони 7 баробарга қисқарди. Сув сатҳи 28 метрга камайди, сув чегараси юзлаб километрга чекинди. Сув нинг шўрланиши, яъни минераллашуви денгизнинг Ғарбий қисмида ҳар метрга 120 граммга, шарқий қисмида эса 280 граммгача етди. Экологик ҳалокат оқибатлари Орол денгизи ҳавзасида яшовчи миллионлаб одамларнинг турмуш тарзига салбий таъсир ўтказди. Орол фожиаси иқлим континенталлигини кескинлаштирди, бунинг натижасида ёз кунлари қурғоқчилик кучайди, кишнинг совуқ кунлари эса аксинча узайди. Орол бўйида ҳарорат 40 Сдан юқорирок бўладиган кунлар сони кўпайди. Мутахассисларнинг башоратига таянадиган бўлсак, 2035 -2050 йилларга бориб минтақада ҳаво ҳарорати яна 1,5-3 сга ошиши мумкин. Айна кунларга келиб денгизнинг куриб қолган қисмида 5,0 миллион гектар майдонда янги «Орол қум» саҳроси пайдо бўлди. Марказий Осиё давлатлари минтақада табiiй атроф – мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги энг кескин муаммолардан бўлган Орол денгизининг куриб бориш муаммосини ҳал этишга бор куч –ғайратларини йўналтиришлари зарур. Барқарор тараққиётнинг конструктив - рационалиги экологик муаммолар ечимини лойиҳалаштириш ва эксперт назоратини ташкил қилишга боғлиқ. Ўзбекистон президенти И.А.Каримов Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг 2009 йил 29 апрелда Олмата шаҳридаги учрашувида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек: «Биз, Ўзбекистонда Орол денгизининг том маънода қутқариб қолишнинг амалда деярли иложи йўқлигини яхши англаймиз. Аммо бу ерда яшаётган аҳолига соғлом турмуш кечириш учун зарур шарт- шароит яратиш мақсадида ҳар тамонлама пухта уйланган чора – тадбирлар Дастурини амалга оширишимиз шарт. Бу бизнинг бурчимиздир». Орол денгизининг куриб қолиши олдини олиш аниқроғи денгиз ҳавзасини қайтадан сув билан тўлдириш билан боғлиқ бир неча лойиҳалар таклиф қилинмоқда. Уларни шартли равишда, икки йўналишга ажратиш мумкин: 1. Интрарегионал лойиҳалар –Орол денгизи ҳавзасидаги ички сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланишга асосланган ишлаб чиқариш ва ривожлантиришни устувор йўналиш тарзида олиб қарайди. 2.Экстрарегионал лойиҳалар – Орол денгизига бошқа ҳудудлардан сув келтириш билан уни камида ҳозирги ҳолатида сақлаб қолишга қаратилган ечимларни топишга йўналтирилган.

Масалан Сибирь дарёларини Қозоғистон ва Марказий Осиё орқали Орол денгизига олиб келиб қуйиш лойихасининг хисоб -китоблари Ғарбда, ўз вақтида « XX аср авантюраси» деб ном олган БАМ қурилишига нисбатан 4 мартадан кўпроқ сарф-харажатларни талаб қилишини кўрсатди. Бундан ташқари, узунлиги 2700 км дан ортиқ, эни ўртача -200, чуқурлиги -50 метрли сунъий дарёни қазиш, энг илғор техника-технологик воситаларни қўллаган тақдирда ҳам 20-25 йилга чўзилиши аниқланган. «Бундай «буюк лойихалар» нинг бирортаси ҳам пухта ўйланмасдан ишлаб чиқилган бўлиб, улар нафақат халқаро, умуман ҳеч қандай экспертизадан ўтмаган ва бу фикрни тасдиқлайдиган далилар етарлидир».

Ўзбекистон тамони Орол бўйидаги фожа собиқ шўро тузумининг ўтган асрнинг 70- 80 йилларида йирик гидростанцияларни қуриш йўли билан Марказий Осиёдаги асосий сув манбалари бўлган Амударё ва Сирдарё табиий оқимини бошқариш бўйича олиб борган қалтабин сиёсати оқибатида келиб чиққанига жaxon ҳамжамияти эътиборини қаратиб келмоқда. «Кўплаб халқаро экологик ташкилотлар ва нуфузли экспертлар тавсия қилаётгандек, ушбу дарёлардан шу миқдордаги энергетика қувватларини олиш учун нисбатан хавфсиз аммо анча тежамкор кичик, ГЭСлар қурилишига ўтиш оқилона йўл бўлур эди. Кўриб бораётган Орол муаммоси-бу ушбу минтақада яшаётган БМТ дек нуфузли ташкилотга умид билан ёрдам сўраб мурожаат қилаётган миллионлаб одамларнинг муаммосидир» деган эди Президентимиз И.А.Каримов БМТ Саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисида сўзлаган нутқида. Шу аснода охириги йилларда минтақа дарёларининг юқори оқимида жойлашган давлатларининг қабул қилинган халқаро меъёрларни бузган ҳолда трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишига бўлган интилишлари ушбу дарёларнинг қуйи қисмида жойлашган давлатларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Жумладан, Рехтер шкаласи бўйича фаоллиги 10-12 баллга етадиган сейсмик хавфли жойлар категориясига кирувчи Илок-Вахш ёриғи худудида Роғун ГЭС ининг қурилиши ва уни оқибатлари сейсмик фаолликнинг қоқ марказида йирик туконинг бунёд этилиши дахшатли зилзилаларни келтириб чиқариши мумкин. Туғон бузилса ёки террористлар тамонидан портлатиб юборилса сув оқими ГЭС нинг бутун каскади (бта гидроузел) ни вайрон этади. Бундан ташқари 1,3-1,5 миллионлаб гектар майдон, жами 5 миллион атрофида аҳоли истиқомат қиладиган

Тожикистон, Афғонистон, Ўзбекистон, Туркменистон худудидаги 700 дан ортиқ аҳоли турар жойлари сув остида қолади.

“Минг афсуски, бугунги кунда Орол денгизини тўлиқ қайта тиклаш имкони йўқлиги табора аён бўлиб буюрмоқда. Орол инқирозининг атроф-муҳит ва бу ерда яшаётган миллионлаб аҳоли ҳаётига ҳалокатли таъсирини, хусусан, пухта ўйланган, аниқ манзилли ва тегишли молиялаштириш манбалари билан таъминланган лойиҳаларни амалга ошириш орқали камайтириш бугунги кунинг энг муҳим вазифасидир.

Бизнингча, бу борада асосий захиралар мавжуд бўлган қўйдаги йўналишларда тегишли тадбирларни амалга ошириш зарур :

Биринчидан- бугунги кунда Орол бўйида юзага келган омонот экологик мувозанатни мустаҳкамлаш, чўлланишга қарши курашиш, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, улардан тежаб-тергаб оқилона фойдаланиш; **Иккинчидан-**Орол бўйи аҳолисининг генофонди ва саломатлигини сақлаш ва таъминлаш учун шароит яратиш, ижтимоий инфратузилмани, тиббиёт ва таълим муассасалари тармоғини кенг ривожлантириш;

Учинчидан- аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун зарур ижтимоий ва иқтисодий механизмлар ва рағбатлантирувчи омилларни яратиш, асосий инфратузилма ва коммуникацияларни ривожлантириш. Бу ерда яшаётган аҳолида тушкунлик кайфиятининг юзага келишга йўл қўйишга бизнинг ҳаққимиз йўқ ва уларга муносиб ҳаёт кечириш, ўз бизнесини ривожлантириш, уларни янги иш ўринлари ва даромад манбалари билан таъминлаш учун барча имукониятларни яратиб бериш зарур, десам, ўйлайманки бу фикрга барчангиз қўшиласиз;

Тўртинчидан–ҳайвонот ва ўсимликлар олами биохилма-хиллигини, жумладан кичик сув ҳавзалари яратиш орқали сақлаш ва қайта тиклаш, минтақанинг ноёб флора ва фаунасини асраб-авайлаш даркор.

Айни ушбу муҳим масалалар Ўзбекистон тамонидан БМТнинг юксак минбаридан таклиф этилган ва БМТ Бош Ассамблеяси 68-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилган “Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйида экотизимлар ҳалокатининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлари дастури “да қайд этилган.

Орол денгизининг қуришини олдини олиш чора тадбирларига халқаро ташкилотлар ўз хиссасини қўшмоқдалар.

“Бу жахон ҳамжамияти Орол денгизи фожиасига глобалл экологик офат сифатида қараётгани ва миилионлаб одамлар яшаётган ушбу минтақанинг экологик ва ижтимоий хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиш масаласига зудлик билан эътиборни қаратиш ғоят долзарб эканини эътироф этаётганидан далолат беради.

БМТ ва ривожланиш бўйича бошқа ҳамкорларимиз 1993 йил БМТ ва Марказий Осиёнинг беш давлати тамонидан ташкил этилган Оролни қутқариш халқаро жамғармасни қўллаб-қувватлаётган ҳам буни тасдиқлайди. Ўтган даврда мазкур жамғарма халқаро донорлар ҳамжамияти ёрдамида Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича умумий қиймати 2 миллиард доллардан зиёд бўлган иккита дастурни амалга оширди.”

Юқорида фикрларни умумлаштириб қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

Биринчидан, Оролни қутқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов тамонидан илгари сурилган конструктив – рационал фикрлари жахон жамоатчилиқ эътиборини ўзига тортмоқда. **Иккинчидан, Орол** муаммоси бугунги кунда глобал муаммо булиб, унинг оқилона ечимларини топиш лозим. **Учинчидан,** Оролни қутқариш бўйича экологик назорат тизимини такомиллаштириш зарур. **Туртинчидан,** Марказий Осиё республикалари ўртасида вужудга келган экологик муаммоларни мураса-ю-мадора фалсафаси асосида ҳал қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. **Бешинчидан,** табиий ресурсларидан шу жумладан сув ресурсларидан рационал фойдаланиш зарурлигини ҳар бир фуқаронинг онгига сингдириш давр талабидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мустафоев, З. М. (2024). СРАВНИТЕЛЬНАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА МОРФОМЕТРИЧЕСКИХ ПАРАМЕТРОВ ПОЧЕК ПРИ ПОЛИПРАГМАЗИИ ПРОТИВОВОСПАЛИТЕЛЬНЫМИ ПРЕПАРАТАМИ. *Multidisciplinary Journal of Science and Technology*, 4(2), 277-282.

2. Mustafoyev Zafar Mustafoli (2024). COMPARATIVE CHARACTERISTICS OF THE MORPHOMETRIC PARAMETERS OF THE KIDNEY IN POLYPHARMACY WITH ANTI-INFLAMMATORY DRUGS. *SCHOLAR*, 2(5), 162-168.

3. Oglu, M. Z. M., & Zokirovna, O. A. (2023). МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ И МОРФОМЕТРИЧЕСКИЕ ПАРАМЕТРЫ ПЕЧЕНИ БЕЛЫХ БЕСПОРОДНЫХ КРЫС, ПЕРЕНЕСШИХ ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНУЮ ЧЕРЕПНО-МОЗГОВУЮ ТРАВМУ

ПОСЛЕ МЕДИКАМЕНТОЗНОЙ КОРРЕКЦИИ. *JOURNAL OF BIOMEDICINE AND PRACTICE*, 8(1).

4. Мустафоев, З. М., Бахронов, Ж. Ж., & Хидиров, З. Э. (2022). Яллиғланишга қарши дори воситалари полипрагмазиясида буйрак нефронларида рўй берадиган морфометрик ўзгаришлар. *Биология ва тиббиёт муаммолари.-Самарқанд–2022*, 3, 177-181.

5. ТЕШАЕВ, Ш., & МУСТАФОЕВ, З. (2022). ПОЧЕК ПРИ ПОЛИПРАГМАЗИИ ПРОТИВОВОСПАЛИТЕЛЬНЫМИ ПРЕПАРАТАМИ. *ЖУРНАЛ БИОМЕДИЦИНЫ И ПРАКТИКИ*, 7(1).

6. Мустафоев, З. М. Ў. (2021). Сравнительная характеристика морфологических параметров почек при полипрагмазии противовоспалительными препаратами. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(8), 622-630.

7. Norbekovich, T. B., Oblakulovich, K. S. O. S., Sadinovich, U. S., Mustafoevich, M. Z., & Akhmadjonovich, S. S. (2021). Polypragmasia as a risk factor causing complications in viral infection. *Central Asian Journal of Medical and Natural Science*, 2(2), 79-82.

8. Мустафоев, З. М., & Бахронов, Ж. Ж. (2022). Морфометрическая характеристика частей нефрона почек крыс в норме и при полипрагмазии противовоспалительными препаратами. *Вестник ТМА–2022*, 2, 57-59.

9. Mustafoev, Z. M. (2021). Morphological Parameters Of Kidney In Polypragmasia With Anti-Inflammatory Drugs. *The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research*, 3(10), 33-37.

10. Mustafoev, Z., & Qo'ldoshev, F. (2023). TIBBIYOTDA IT TECHNOLOGIYALARIDA FOYDALANIB JIGAR SERROZINI DAVOLASH. *Бюллетень студентов нового Узбекистана*, 1(5 Part 2), 8-10.

11. Mustafoev, Z. (2023). COMPARATIVE CHARACTERISTICS OF THE MORPHOMETRIC PARAMETERS OF THE KIDNEY IN POLYPHARMACY WITH ANTI-INFLAMMATORY DRUGS. *Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences*, 2(4), 75-80.

12. Mustafoev, Z. M., Teshae, S. J., & Bakhronov, J. J. (2022). Features Of Kidneys Exposed to Various Factors. *Eurasian Scientific Herald*, 5, 144-154.

13. Zafarjon, M. (2022). ANALYSIS OF POLYPRAGMASIA PREVALENCE AND MORPHOLOGICAL CHANGES OF KIDNEYS. *YANGI O'ZBEKISTONDA MILLIY TARAQQIYOT VA INNOVASIYALAR*, 105-108.

14. Мустафоев, З. М., & БАХРОНОВ, Ж. НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ. *НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ Учредители: Бухарский государственный медицинский институт, ООО "Новый день в медицине"*, (1), 286-288.

15. Мустафоев, З. М., Абдураимов, З. А., & Мавлонкулова, Д. М. (2023). МОРФОМЕТРИЧЕСКАЯ КЛАССИФИКАЦИЯ ОТДЕЛОВ НЕФРОНА КРЫС И ОПРЕДЕЛЕНИЕ ИЗМЕНЕНИЙ ЭФФЕКТА ПОЛИПРАГМАЗИИ ПРОТИВОВОСПАЛИТЕЛЬНЫХ ПРЕПАРАТОВ. *Research Focus*, 2(11), 119-123.

16. Mustafoyevich, M. Z. (2023). EMFEZMATOZNI KARVOKUL. *Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi*, 10(4), 106-110.

17. Mustafoyevich, M. Z., Mahammad o'g'li, N. M., Zokir o'g'li, Z. M., & Mexrojidin o'g'li, B. X. (2023). INSON ORGANIZIMDA VITAMIN C YETISHMASLIGIDA UCHRAYDIGAN SINGA KASALLIGI. *Scientific Impulse*, 1(12), 271-273.

18. Mustafoyevich, M. Z. (2023). TIBBIYOTDA IT TEXNOLOGIYALARIDA FOYDALANIB JIGAR SERROZINI DAVOLASH. *Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi*, 10(4), 93-95.

19. Мустафоев Зафаржон Мустафо ўғли, & Сулейманов Ремзи Ибрагимович. (2024). ЯЛЛИҒЛАНИШГА ҚАРШИ 2 ТУРДАГИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ПОЛИПРАГМАЗИЯСИДА БУЙРАКЛАРНИНГ МОРФОМЕТРИК ПАРАМЕТРЛАРИНИНГ ЎРГАНИШ. *TECHNICAL SCIENCE RESEARCH IN UZBEKISTAN*, 2(2), 166–172. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10701474>

20. Мустафоев, З. М., Абдураимович, А. З., & Хидиров, З. Э. (2024). МОРФОМЕТРИЧЕСКАЯ, СРАВНИТЕЛЬНАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ПАРАМЕТРОВ ПОЧЕК ПРИ ПОЛИПРАГМАЗИИ аспирином, парацетамолом, ибупрофеном. *Miasto Przyszłości*, 46, 1177-1183.

21. ўғли Мустафоев, З. М., & Киямов, Б. Э. (2024). 2 ТУРДАГИ ЯЛЛИҒЛАНИШГА ҚАРШИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ БУЙРАКЛАР МОРФОМЕТРИК КўРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ. *SCHOLAR*, 2(6), 4-11.

22. Хидиров, З. Э., & ўғли Мустафоев, З. М. (2024). ЯЛЛИҒЛАНИШГА ҚАРШИ 3 ТУРДАГИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ БУЙРАКЛАР МОРФОМЕТРИК КўРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ. *SCHOLAR*, 2(6), 12-22.

23. qizi Azamatova, D. B. (2024). COMPARATIVE CHARACTERISTICS OF THE MORPHOMETRIC PARAMETERS OF THE KIDNEY IN POLYPHARMACY WITH ANTI-INFLAMMATORY DRUGS. *SCHOLAR*, 2(5), 162-168.

24. Мустафоев, З. М., Абдураимович, А. З., & Хидиров, З. Э. (2024). MORFOMETРИЧЕСКАЯ, СРАВНИТЕЛЬНАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ПАРАМЕТРОВ ПОЧЕК ПРИ ПОЛИПРАГМАЗИИ аспирином, парацетамолом, ибупрофеном. *Miasto Przyszłości*, 46, 1177-1183.

25. Исmoilов, О. И., Усанов, С. С., & Хидиров, З. Э. (2024). ОҚ ЗОТСИЗ КАЛАМУШЛАРДА ЖИГАР ТЎҚИМАСИНИНГ MORFOЛОГИЯСИ ВА MORFOMETРИК КЎРСАТГИЧЛАРИНИ НОРМАЛ ВА ПОЛИПРАГМАЗИЯДА ЯЛЛИГ'ЛАНИШГА ҚАРШИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ 4 ХИЛ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ТАСИРИ ХОЛАТИДА ТАҚҚОСЛАШ. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 43(7), 112-121.

26. Ismoilovich, I. O., Oblakulovich, K. S., Ibragimovich, S. R., & Berdirasulovich, Q. G. O. (2023). THE THYMUS GLAND MORPHOLOGICAL ASPECTS IN CHILDREN (LITERATURE REVIEW). *JOURNAL OF BIOMEDICINE AND PRACTICE*, 8(1).

27. Mustaf o gli, M. Z., & Ismoilovich, I. O. (2024). HYSTOPATOLOGY OF KIDNEY TISSUE IN POLYPRAGMASIA. *Journal of new century innovations*, 53(1), 104-109.

28. Усанов Санжар Садинович, & Хидиров Немат Чоршанбиевич. (2024). OQ ZOTSIZ KALAMUSHLAR JIGARINING MORFOMETРИК KO'RSATGICHLARINI POLIPROGMAZIYADA YALLIG'LANISHGA QARSHI 3 HIL VOSITALAR TA'SIRI HOLATIDA ЎРГАНИШ. *TECHNICAL SCIENCE RESEARCH IN UZBEKISTAN*, 2(2), 173–178. Retrieved from.